ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 20 НОЯБРЬ КУНИ ПОЙТАХТИМИЗНИНГ МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДАГИ ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАР ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТЕХНОЛОГИК ПАРКИГА ТАШРИФ БУЮРДИ.

HUQUQ

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq.uz 2019-Y. 21-NOYABR, №47 (1192)

ЖАМОАТ ИШЛАРИДА ҚАТНАШГАН ДЕГАН ВАЖ БИЛАН 86 МЛН. СЎМ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИНГАН. **5-БЕТ**

МИБ ТОМОНИДАН ҲОМИЙЛАР КЎМАГИДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРНИНГ 317 МЛН. СЎМДАН ОРТИҚ ҚАРЗДОРЛИГИ ТЎЛАБ БЕРИЛДИ. **6-БЕТ**

ИШБИЛАРМОНЛАР 10 МИНГ ДОЛЛАРНИ «КЎЧА»ДА АЛИШТИРАМАН ДЕБ ДАРОМАДЛАРИГА КУЙИБ ҚОЛДИ. **8-БЕТ**

АХЛОҚСИЗ ЭР АЁЛИНИ ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ЖОНДАН ТЎЙДИРДИ, ҚИЗЛАРИГА ЭСА ТЕГАЖОҒЛИК ҚИЛИШНИ ҚЎЙМАДИ. **9-БЕТ**



Олдинги ҳолат



Бугунги ҳолат

ВАЪДА УНУТИЛМАДИ

Газетамизнинг 2019 йил 11 июлдаги сонида Яшнобод туманидаги Алимкент ва Мухтор Ашрафий кўчалари кесишган чорраҳага «Светофор керак» сарлавҳали мақола чоп этилган бўлиб, бу борада Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан ўрганишлар олиб борилган эди.

Мақола юзасидан билдирилган ахборотда мазкур жойда светофор қурилмасини ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланганлиги, ўрганишлар натижасида тумандаги Қорасув ва Мухтор Ашрафий кўчаларини таъмирлаш ҳамда айланма ҳаракат ташкил этилиши режалаштирилганлиги маълум қилинган.

Мутасаддилар ваъдасини устидан чиқиб, мақолада қайд этилган ҳудудда тирбандликларнинг олдини олиш ва фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида айланма ҳаракат жойини ташкил этишди. Таҳририят муаммоли ҳолатга мутасаддиларнинг эътиборини қаратди, улар ҳам шунга муносиб жавоб қилишди.

Зеро, барчамизнинг мақсадимиз халқимизни рози қилиш ва юрт фаровонлиги йўлида фаолият олиб боришдир.



ИМОМ, МУТАВАЛЛИ ВА БОҒБОН

эҳсон пулларини қаерга сарфлашди?

2-БЕТ



МАҚСАД — ХАЛҚ РОЗИЛИГИ

Халқ билан ҳамнафас бўлиш, аҳолининг ташвишлари билан яшаш ва уларни йиллар давомида қийнаб келаётган муаммоларни ҳал қилиш шаҳар прокуратураси органларининг асосий мақсадидир.

Аввало, прокуратура фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш учун фуқароларнинг прокуратура биноларига эркин кириб-чиқиши учун шароит яратилмоқда. Шу мақсадда шаҳар прокуратураси биносининг олдидаги темир панжаралар ҳамда кириш қисмидаги металл изловчи ускуна олиб ташланди.

Янги қурилган Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туман прокуратураларида фуқароларни ташқарида жойлашган постларда қабул қилиш назарда тутилгани туфайли асосий бинолар фойесида салқин ва махсус жиҳозланган кутиш ҳамда қабул қилиш хоналари, Шайхонтоҳур ва Яккасарой туман прокуратуралари биноларида "она ва бола" хонаси ташкил қилинди. Шунингдек, янги қурилаётган Бектемир, Олмазор, Чилонзор ва Яшнобод туман прокуратуралари биноларининг лойиҳалари ушбу тамойиллар асосида қайта кўриб чиқилди.

Аҳолининг давлат органларига бўлган ишончини янада ошириш мақсадида фуқаролар қабулининг янгича тизими жорий қилиниб, энг аввало улар ўз арзларини эркин ифода этишлари учун қабуллар расмиятчиликдан чекинган ҳолда, самимий суҳбат тарзида ўтказилмоқда. Шаффофликни таъминлаш мақсадида қабул жараёнида барча фуқароларнинг бир вақтда иштирок этиши ва мазкур жараённи бевосита кузатиб бориши учун имконият яратиб берилмоқда.

Шаҳар прокуратураси органларига жами 52 081 та мурожаат келиб тушган бўлиб, 36 294 таси ҳал қилинди. Ҳар бир туман ва маҳаллада шаҳар прокурорининг оммавий (сайёр) қабуллари давом этмоқда. Уларда 529 нафар фуқаро қабул қилиниб, 147 та мурожаат қаноатлантирилди. Қолган мурожаатлар алоҳида назоратга олиниб, фуқароларни рози қилишнинг барча чоралари кўрилмоқда.

Шаҳар прокуратураси ижтимоий-иқтисодий соҳани ривожлантиришга доир қонунларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратаяпти. Хусусан, сектор раҳбарлари билан ҳамкорликда тузилган гуруҳлар томонидан пойтахтдаги барча ижтимоий ва иқтисодий соҳа объектларидаги аҳвол ўрганилиб, уларнинг фаолиятини тубдан яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Аниқланган муаммолар 2020 йилнинг 1 январига қадар бартараф этилади.

Давоми 3-бетда



УЙ СЎРАГАН АЁЛГА БОСИМ ЎТКАЗИЛДИМИ?

"Facebook"да эълон қилинган А.О.нинг уйга муҳтожлиги ҳақида ариза ёзгани учун турмуш ўртоғи Т.М. МИБдан ишдан кетгани тўғрисидаги хабари юзасидан

Фуқаро А.О. уйга муҳтож бўлгани учун тегишли жойга ариза билан мурожаат қилганидан сўнг турмуш ўртоғи Т.М.га босим ўтказилиб, уни МИБ Кармана тумани бўлими бошлиғи уриб ишдан ҳайдагани, молиявий аҳволи оғирлиги сабабли фарзандларини мактабга юбора олмаётгани, ҳудуддаги 17-мактаб директори эса А.О.нинг ўзига босим ўтказаётгани ҳақида "Facebook"да хабар берган. Мазкур маълумот Навоий вилоят прокуратураси томонидан ўрганилган.

Аниқланишича, А.О.нинг арзон уйлардан олишда ёрдам бериш ҳақида йўллаган мурожаати Кармана тумани прокуратураси томонидан кўриб чиқилган. А.О. ва унинг турмуш ўртоғи Т.М.нинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 февралдаги 103-қарори билан тасдиқланган "Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбияламоқчи бўлган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисида"ги низом талабларига мос тушмагани сабабли комиссия томонидан арзон уй ажратиш рад этилган.

Бундан ташқари, мурожаатнинг МИБ Кармана тумани бўлими бошлиғи З.Р. томонидан Т.М.га тазйиқ ўтказилиб, жароҳат етказилгани ҳақидаги қисми юзасидан МИБнинг Навоий вилояти бошқармаси хизмат текшируви ўтказган. Тўпланган ҳужжатлар ЖПКнинг 329-330-моддалари тартибида қонуний қарор қабул қилиш учун Навоий вилоят прокуратурасига юборилган.

Текширув натижасига кўра З.Р.нинг ҳаракатида жиноят таркиби бўлмагани сабабли Навоий вилояти прокуратураси томонидан 2019 йил 3 сентябрда ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан жиноят иши қўзғатиш рад қилинган.

Мурожаатни кўриб чиқиш натижаси бўйича МИБ Кармана тумани бўлими бошлиғи З.Р. томонидан Т.М.га тазйиқ ўтказилганига оид қисми бўйича Навоий вилояти прокуратураси ва Кармана тумани прокуратураси томонидан муаллифларга жавоб хатлари юборилган.

Бош прокуратуранинг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими

ВОДИЙ АҲОЛИСИ БИЛАН МУЛОҚОТ

2019 йил 11-16 ноябрь кунлари Бош прокурор ўринбосари Светлана Ортикова томонидан Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларида сайёр қабул ўтказилиб, жами 283 нафар жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилинди (мурожаатларнинг 85 таси суд масалаларига, 50 таси прокуратура ва 57 таси ички ишлар органлари фаолиятига, 91 таси ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид).

Бундан ташқари, С.Ортикова ногиронларнинг ҳолидан хабар олиб, уларга аравача топширди.

Бош прокуратура жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ҳамда мурожаатларини кўриб чиқиш борасидаги ишларни давом эттирмоқда.

ИЖРО ҲАРАКАТЛАРИ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК

2019 йил 15 ноябрь куни Ўзбекистоннинг таклифига биноан Қирғизистон Олий суди ҳузуридаги Суд департаменти директори Кубаничбек Капалов бошчилигидаги делегация Тошкентга келди.

Ташриф доирасида Бош прокуратурада Қирғизистон суд департаменти ва Ўзбекистон Бош прокуратураси ҳузуридаги МИБ раҳбарлари ўртасида расмий музокаралар ўтказилди.

Қирғизистон суд департаменти ва МИБ ўртасида келгусида икки томонлама англашув ва ҳамкорлик қилишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланувчи меморандум имзоланди.

Меморандумда икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш, маълумот ва тажриба алмашиш, ҳамкорликда тадбирлар ўтказиб бориш, шунингдек, суд қарорларини ижро қилиш масалалари юзасидан маслаҳатлашув назарда тутилган.

Бош прокуратурада МИБ фаолияти ҳамда суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимига бағишланган тақдимот бўлиб ўтди.

Қирғиз делегациясига Ўзбекистоннинг мажбурий ижро тизимидаги ислоҳотлар ҳақида маълумот берилди.

Бюронинг ижро ҳужжатлари юзасидан қарзларни ундириш масалалари бўйича ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизими, электрон савдо майдончаси орқали ижарага бериш механизмлари ва яратилаётган бошқа янгиликлар меҳмонларда алоҳида қизиқиш уйғотди. Шу боис делегация Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги "E-ijro auksion" электрон-онлайн аукционларни ташкил этиш марказига ташриф буюрди.



Меҳмонлар охирги йилларда мажбурий ижро соҳасида эришилаётган натижаларни юксак баҳолади. Шунингдек, идоралар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш чоралари муҳокама қилинди.

Баҳром СОДИҚОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бўлим бош инспектори

ИМОМ, МУТАВАЛЛИ ВА БОҒБОН

эҳсон пулларини қаерга сарфлашди?

Мўмин-мусулмонлар учун имом-хатибнинг ҳар бир сўзи ва иши ибратдир. Шунинг учун имомлар жамоат жойларида, халқ орасида намуна бўлишлари лозим. Ҳаёт шундай, оддий одамда қанча камчилик бўлса ҳам унга унчалик эътибор берилмайди. Аммо элга панду насиҳат қиладиган имомда озгина нуқсон сезилса, халқ кўнглида дарров «Бу имом халқни бир ишга даъват қилар экану, ўзи бошқа ишни қиларкан» деган шубҳа пайдо бўлади.

Бугунги кун имом-хатиблари зиммасидаги юксак масъулиятни ҳис қилаяптими? Афсуски, онда-сонда бўлса ҳам баъзиларининг қинғир ишлари ҳақидаги хабарларни эшитаяпмиз. Хусусан, пойтахтимиздаги "Бўрижар" жомеъ масжидининг имом-хатиби ўз мутаваллиси ҳамда боғбони билан қилган ишлар одамларни ранжитиши тайин.

Х.А. (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Ўзбекистон мусулмонлар идораси раисининг буйруғи билан 2014 йилда Чилонзор туманидаги "Бўрижар" жомеъ масжидининг имом-хатиби вазифасига тайинланади. Орадан икки йил ўтар-ўтмас Х.А. масжид мутаваллиси вазифасига А.В.ни тайинлаган бўлса, А.А.ни боғбон қилиб ишга олади.

Х.А. ўзига яқин инсонларни ёнига олгач мансабини суиистеъмол қила бошлайди. У А.В. ва А.А. билан тил бириктирган ҳолда масжиднинг эҳсон қутиларига тушган пулни қайд этиш далолатномасида тўлиқ кўрсатмасдан, унга сохта маълумот киритади. Далолатномаларда фақат банкка топширилган пулларни кўрсатиб, қолган пуллар масжиднинг турли эҳтиёжлари учун ишлатиш важи билан олиб қолинаверади.


Маълум бўлишича, 2016-2017 йиллар ва 2018 йилнинг февраль-июнь ойларида масжиднинг эҳсон қутиларига жами 912 миллион 559 минг сўм, 1605 АҚШ доллари, 110 Россия рубли ва 200 қозоқ тенгеси тушади. Учовлон шу пуллардан масжиднинг ҳисоб рақамига 361 миллион 756 минг сўмини топширишган экан холос. Қолган 550 миллион 803 минг сўм ва хорижий валюталарни банкка кирим қилишмайди. Яъни 550 миллион 803 минг сўмдан 197 миллион 196 минг сўмини масжиднинг расмий ва норасмий ходимларига ойлик иш ҳақи қилиб беришади. Қолган 217 миллион 813 минг сўм ва хорижий валютани талон-торож қилишади. Бундан ташқари, Х.А. масжид тўлаши керак бўлган 83 миллион 502 минг сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаган.

Х.А., А.В. ва А.А.нинг қилмишлари жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди томонидан кўриб чиқилди ва уларга қонуний жазо тайинланди.

Дилшод ТОШТЕМИРОВ,
департаментнинг Чилонзор тумани бўлими бошлиғи

Жорий йил 15 ноябрь куни Давлатимиз раҳбари томонидан «Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармон имзоланди.

МАҚСАД – ХАЛҚ РОЗИЛИГИ



Давоми.
бошланиши 1-бетда

Хусусан, пойтахт мактабларидаги муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш мақсадида шаҳар прокуратураси тизимидаги малакали ходимлар 307 та умумтаълим мактабига “ҳуқуқий ёрдамчи” сифатида бириктирилди. Улар режа асосида ҳафтасига камида икки марта мактабларга бориб, уларга амалий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатмоқда. Жумладан, мактабларнинг атрофи тоза бўлишини таъминлаш мақсадида шаҳар бандлик бош бошқармаси томонидан 307 нафар ишсиз фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида 2019 йил 22 октябрда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Тошкент шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда “Ватан келажаги ёшлар қўлида” шиори остида пойтахтдаги “Ёшлар маркази” биносида олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейларнинг 200 нафарга яқин ўқувчи-талабалари билан давра суҳбати ўтказилди. Учрашувда ҳукумат томонидан ёшларга билдирилаётган ишонч ва эътибор, олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб моҳияти батафсил тушунтирилди.

Ёшлардан келиб тушган таклифлар асосида Ёшлар иттифоқининг Тошкент шаҳар кенгаши биносида прокурор хонаси ташкил этилди. Мазкур хонада шаҳар прокуратураси органларининг биттадан ходимлари 1 декабрдан бошлаб белгиланган жадвал асосида соат 9:00 дан 18:00 га қадар навбатчилик қилиши белгиланди. Ўзбекистон адвокатлар палатаси билан пойтахтда фаолият юритувчи адвокатлар ҳам белгиланган жадвал асосида прокурор хонасида навбатчилик қилиши ҳақида келишиб олинди.

Шунингдек, шаҳар прокуратурасида “Прокурор тадбиркорларга ёрдам кўрсатади” шиори остида гуруҳ тузилди. Тадбиркорлар билан 24 соат алоқада бўлиш учун очилган “Telegram” мессенжери ва махсус телефон рақами (99-030-07-47) орқали тўғридан-тўғри мулоқот ўтказилмоқда, уларнинг муаммоларини бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Жорий йил 21 июлда шаҳар ҳокимлиги, прокурори, ИИББ, ДСБ раҳбарларининг бюджетга тушумлар прогнози ижроси ва қўшимча даромадлар захирасини аниқлаш бўйича қўшма фармойиши имзоланди. Жорий йилнинг 3-чораги учун белгиланган прогноз 105 фоизга бажарилди.

Шу билан бирга, маҳаллий ҳокимиятлар, ўзини-ўзи бошқариш органлари, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари билан ҳамжиҳатликда шаҳардаги кўп қаватли уйлар ва ижтимоий соҳа объектларини 2019-2020 йилги қузқиш мавсумига тайёрлашга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. Шу жумладан, прокурорлар секторига қарашли уйлардан 140 тасининг томи таъмирланди, 43 та лифт соз ҳолатга келтирилди, 311 та



ертўланинг муҳандислик-коммуникация тизими таъмирланди.

“Қонун устувор – жазо муқаррар” тамойили асосида пойтахт ҳудудида умумий жиноятчиликнинг олдини олиш чоралари кўрилмоқда. Натижада 2019 йилнинг 10 ойида шаҳар ҳудудида умумий жиноятчилик ўтган йилги 5745 тадан 4859 тага камайишига эришилди. Пойтахтдаги 508 та маҳалланинг 123 тасида бирорта ҳам жиноят содир этилмади, 305 та маҳаллада эса жиноятларнинг камайиши кузатилди.

Тошкент шаҳар прокуратураси органларида хизмат қилаётган хотин-қизларнинг мавқеини янада ошириш ва гендер тенгликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг Тошкент шаҳар прокуратурасидаги бошланғич ташкилоти таъсис этилди ва ташкилот раёсати сайланди. Ички хавфсизликни таъминлаш бўлими бошлиғи, Яккасарой тумани прокурори, Сергели ва Мирзо Улуғбек тумани прокурорининг ўринбосари лавозимларига тажрибали аёл ходимлар тайинланди.

Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан кадрларнинг билим ва салоҳиятини ошириш, муомала маданиятини юксалтириш ҳамда дунёқарашини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида “Мулоқот маданияти ва касб этикаси” мавзусида ўқув машғулотлари ташкил этилди.

Ходимларни маданий-маърифий тадбирларга жалб этиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилди. Президент мактаби, Ўзбек миллий академик драма театри, Тошкент-сити, “Ҳумо-арена” спорт мажмуаси, шунингдек, футбол бўйича жаҳон чемпионати саралаш босқичи доирасида Ўзбекистон – Саудия Арабистони миллий терма жамоалари ўйинига ходимлар ташрифи ташкиллаштирилди.

Ходимларнинг маънавиятини ошириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Давлат тили тўғрисида”ги қонун қабул қилинганининг 30 йиллигини нишонлаш мақсадида 12 сентябрда барча прокурор-тергов ходимлари учун бадиий китобхонлик ва нотиқлик санъати бўйича танлов эълон қилинди ва 10 нафар ходим ғолиб деб топилиб, муносиб рағбатлантирилди. Шунингдек, китобхонликни тарғиб этиш мақсадида Кайковуснинг “Қобуснома” асари ҳафтанинг ҳар жума кунлари барча ходимлар иштирокида ўтказилаётган маърифат соатларида Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов томонидан ўқиб эшиттирилмоқда.

18 ноябрь куни Ўзбекистон давлат байроғи қабул қилинганининг 28 йиллиги байрами шаҳар прокуратурасида “Давлат байроғи – фахрим, ғурурим!” шиори остида тантанали нишонланди.

Ҳуқуқ-тартибот соҳасида аҳолининг норозилигига сабаб бўлаётган омилларни ўрганиш мақсадида жамоатчилик вакиллари билан тўғридан-тўғри мулоқотлар ўтказилишига эътибор қаратилмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, “Адолат” социал-демократик партияси вакиллари ва прокуратура ходимлари иштирокида 18 октябрда “Суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш – устувор вазифа” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тошкент шаҳар прокуратурасида 6 ноябрь куни “Адолат қилиш учун нима қиламиз?” шиори остида пойтахтда фаолият кўрсатувчи адвокатлар билан Тошкент шаҳар прокурорининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувдан асосий мақсад шаҳарда қонунийликни таъминлаш, халқ манфаатларини биргаликда ҳимоя қилиш, пировард натижада халқни рози қилишдан иборатдир. Учрашувда Ўзбекистон адвокатлар палатаси раиси, унинг барча ўринбосарлари, палатанинг ҳудудий бошқармаси бошлиғи, 200 нафардан ортиқ адвокат иштирок этди. Адвокатлар фаолиятида учраётган жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишлар билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилиниб, уларнинг ечими бўйича таклифлар билдирилди.

Пойтахтдаги маҳаллаларнинг 123 тасида бирорта ҳам жиноят содир этилмади.

Тошкент шаҳар прокуратураси органлари ҳамда Бош прокуратура академияси ҳамкорликда магистратура босқичи тингловчилари билан 13 ноябрда учрашув ўтказилди. Пойтахт прокуратура органлари фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари хусусида тингловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Ижтимоий тармоқларда фаол иштирок этиш, улардаги саҳифалар орқали маълумотларни тезкорлик билан бериш ва аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш тизими йўлга қўйилган. Хусусан, “Facebook”даги “Toshkent shahar prokuraturasi” ва “Instagram”даги “Toshkent prokuraturasi” саҳифалари, “Telegram”даги “Toshkent prokuraturasi” канали ҳамда “Tshp.uz” сайти орқали чиқишлар қилинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент шаҳар прокуратураси ўз фаолиятини халқ прокуратураси сифатида ташкил этишга ва халқнинг манфаати учун хизмат қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мақсадимиз халққа хизмат қилиш экан, бу йўлда тинмай меҳнат қилиш ҳар бир прокуратура ходимининг асосий вазифасидир.

Умумий жиноятчилик ўтган йилги 5 745 тадан 4 859 тага камайишига эришилди.

Тошкент шаҳар прокуратураси органлари иқтисодиёт соҳасида ижтимоий йўналтирилган ҳақиқий бозор муносабатларини жорий этиш, тадбиркорлик, хусусий мулк ривожига кенг йўл очиб беришга доир вазифаларнинг аниқ ва бир хил бажарилишини назорат қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, бўш турган бинолар ва ерлардан самарали фойдаланиш, кам қувват билан ишлаётган корхоналар фаолиятини жонлантириш, тадбиркорлар учун қулай шароит яратиш бўйича маҳаллий ҳокимиятлар билан ҳамкорликдаги ишлар давом эттирилмоқда.

Баҳриддин ВАЛИЕВ,
Тошкент шаҳар прокурори

Ўзбекистон Республикаси Президенти жорий йил 18 ноябрь куни «Нефть ва газгеология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

ЯНГИ КРЕДИТЛАР ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ

Меҳнаткаш халқимизнинг ишбилармонлик салоҳияти оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик, касаначилик, чорвачилик, ҳамда деҳқончиликни кенгайтириш учун катта тажриба мавжудлигидан далолат беради.

Оилаларнинг барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шарт-шароит яратиш мақсадида "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастурининг жорий қилиниши фаровонлик калити бўлиб хизмат қилмоқда.

2018-2019 йилларда аҳолининг тадбиркорликка кенг жалб қилиниши айниқса чекка ҳудудлардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг иқтисодий ҳолати яхшиланишига сабаб бўлди.

Шу билан бирга, кичик бизнес, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, банк хизматларининг оммабоплигини ошириш орқали аҳоли, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик субъектлари билан тўлақонли шерикчилик муносабатларини ўрнатиш талаб этилади. Шу мақсадда 2019 йил 24 октябрь куни давлат раҳбарининг "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ 2020 йил 1 январдан бошлаб кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, аҳолининг ўзини ўзи банд қилишини ривожлантириш, аёллар учун имкониятларни ошириш ва ёш авлодни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурлари доирасидаги лойиҳалар Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси бўйича устувор равишда Халқ банки, «Микрокредитбанк» ва «Агробанк» орқали молиялаштирилиши белгилаб қўйилди.

Яхши янгилик: энди қарорда келтирилган ва бошқа жамғармалар ҳисобидан кичик бизнес, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёш авлод ташаббусига ваколатли банклар томонидан ажратилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация ва субсидиялар беришга рухсат этилади.

Бундан ташқари, мазкур дастурларни молиялаштириш учун тегишли жамғармалар томонидан ажратиладиган ресурсларнинг 2020-2022 йилларда тўланадиган қисми ҳар ойда ваколатли банкларга дастурлар доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилади, бунда ресурслар бўйича фоиз ставкаси қайта молиялаш ставкасидан 4 фоиз паст қилиб белгиланади.

Қарорга кўра барча ҳудудларда «банк хизматлари офислари»нинг кенг тармоғи яратилади, ахборот технологияларини қўллаш орқали янги банк хизматлари ҳамда «модулли» кредитлаш асосида янги кредитлар жорий қилинади.

Жамшид НЕМАТОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори



«Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури учун – **2** трлн. **418** млрд. сўм.

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш дастури учун – **75,4** млрд. сўм.

Ҳунармандчиликни ривожлантириш дастури – **589,3** млрд. сўм.



Маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги жамғармаларнинг дастурлари учун – **26,1** млрд. сўм.

2020 ЙИЛДА ЙЎНАЛТИРИЛАДИГАН МАБЛАҒЛАР

Бандликка кўмаклашиш дастури учун – **313,6** млрд. сўм.

«Yoshlar – kelajagimiz» дастури учун – **398,5** млрд. сўм.



Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш дастури учун – **161,2** млрд. сўм.

Жами 3 трлн. 982,1 млрд. сўм маблағ йўналтирилади.

ПЛАСТИК КАРТАДАН МАЖБУРИЙ ЕЧИБ ОЛИНАДИ

булар қандай қарзлар?

2019 йилнинг 14 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24 октябрь куни «regulation.gov.uz» сайти орқали муҳокамага қўйилган «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони лойиҳаси юзасидан брифинг бўлиб ўтди.

Тадбирда Мажбурий ижро бюроси директорининг ўринбосари Ш.Ҳайдаров, бюро марказий аппарати масъул ходимлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Маълумки, фармон лойиҳасига кўра янги, соддалаштирилган мажбурий ижро институти жорий этилиши, бу тартиб бўйича давлат ижрочиси қарздор билан мулокотга кирмасдан ва ундирувни мол-мулкка қаратмаган ҳолда масофавий амалга ошириши назарда тутилмоқда.

Бу тартиб судлар ва бошқа ваколатли органларнинг жисмоний шахслардан жарима, солиқ қарзи ва давлат божи ундириш ҳақидаги ижро ҳужжатларига татбиқ этилади. Ундирув фақатгина ҳисоб рақамлардан ва пластик картадан сўзсиз ечиб олиш орқали, қарздорлик меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кўп бўлмаган ҳолларда эса (ҳозир 635 минг сўмгача) карзни иш ҳақидан ундириш орқали амалга оширилади. Брифингда бюро вакиллари мазкур жараён одатий коммунал тўловларни ундириш жараёнига мутлақо тегишли эмаслигини қайд этишди.

Соддалаштирилган мажбурий ижро ҳаракатларини амалга ошириш учун Тошкент шаҳрида иккита, Қорақалпоғистон ва вилоятларда биттадан бюронинг туманлараро бўлимларини ташкил қилиш кўзда тутилаётгани баён қилинди.

Бугунги кунда давлат ижрочиларининг иш ҳажми нормативлардан 16 баравар юқори, иш юритувидаги ижро ҳужжатларининг қарийб 60 фоизини эса юқоридаги учта тоифадаги ҳужжатлар ташкил этади. Ўз навбатида, ушбу механизм йўлга қўйилиши давлат ижрочиларининг иш ҳажмини камайтиради, ижро самарадорлигини оширади, МИБ ходимлари ва қарздорлар ўртасидаги кескинликка барҳам беради, давлат бюджетига тушумларни кўпайтиради.

Бундан ташқари, ҳозир МИБга келиб тушаётган мурожаатларнинг қарийб 60 фоизи алиментга алоқадор бўлиб, бу турдаги ишларни ўз вақтида бажариш талаб этилмоқда. Шу боис алимент мажбуриятлари бўйича ягона банк ҳисоб рақамини жорий этиш ҳамда алимент мажбуриятлари бажарилишини масофавий мониторинг қилиш бўйича тизим яратиш таклиф этилмоқда.

Янги тартибга кўра алимент ундириш тўғрисидаги ҳар бир ижро ҳужжати бўйича ягона ҳисоб рақамида алоҳида субҳисоб рақамлар очилади. Уларда алимент бўйича маблағларнинг ҳаракатини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Бюро ходимлари фармон лойиҳасига кўра барча алимент тўловлари, шу жумладан, иш ҳақидан ушланмалар ягона ҳисоб рақами орқали амалга оширилиши ҳамда ундирувчилар алимент пулини тегишли субҳисоб рақамларидан чекловларсиз олиши имконини яратиши ҳақида маълумот бериб ўтишди.

Шу билан бирга, МИБга ваколатли органнинг маъмурий жарима қўллаш тўғрисидаги қарори юборилаётганида, қарорнинг ҳуқуқбузарга топширилганини асословчи ҳужжат мажбурий тартибда илова қилиниши таклиф этилмоқда.

Ушбу механизмнинг йўлга қўйилиши маъмурий жарима ундириш тўғрисидаги қарорларни бюро органларига юборишда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс нормаларига қатъий риоя этилишини таъминлаши, давлат ижрочилари ва фуқаролар ўртасидаги зиддиятларни камайтириши таъкидланди.

Брифинг давомида оммавий ахборот воситалари вакилларининг жамоатчилик эътиборида бўлган долзарб саволларига МИБ раҳбарияти ҳамда масъул ходимлари атрофлича тушунтириш беришди.

Миробил МИРЗАБОЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бўлими бош инспектори

Мамлакатимизда 18 ноябрдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови бўйича сиёсий партияларнинг ва депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқотига старт берилди.

ХАЛҚҚА СИФАТЛИ ХИЗМАТ ЗАРУР

Бугунги кунда Тошкент шаҳар прокуратураси органларини халққа яқинлаштириш, одамларнинг муаммоларини жойида аниқлаш ва бартараф қилишга қаратилган чоралар амалга оширилмоқда. Бу борада 2019 йил 28 августда шаҳар прокурорининг фармойиши қабул қилинди. Унга асосан 11 та мутасадди идоранинг 160 нафар вакилидан иборат 13 та ишчи гуруҳ тузилди.

Дастлаб 13 та туғруқ комплексида қурилиш-таъмирлаш, дори-дармон етишмовчилиги, моддий-техник базасини ва ёнғин хавфсизлигини яхшилаш, штат-сметасини қайта кўриб чиқиш каби масалалар билан боғлиқ муаммо ва камчиликлар аниқланди. Уларни бартараф қилиш учун Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасига 7 млрд. сўм пул ажратилди.

Пойтахтдаги туғруқхоналар учун 7 млрд. сўм пул ажратилди.

74 та поликлиникада ўтказилган ўрганишларда эса ечимини кутиб турган 314 та муаммо аниқланиб, шундан 8 таси жойида ҳал қилинди. Масалан, Олмазор туманидаги 19-оилавий поликлиниканинг яроқсиз сантехника жиҳозлари янгисига алмаштирилди, ёнғин хавфсизлиги қутисига ёнғиннинг олдини олишга мўлжалланган жиҳозлар олиб берилди, электр симлари ҳимоя қобиғи билан қопланди. Жойида ҳал қилишнинг имкони бўлмаган 306 та муаммонинг 22 таси қурилиш-таъмирлаш, 212 таси моддий-техник базани, 70 таси ёнғин хавфсизлигини яхшилаш ҳамда 2 таси бошқа масалалар билан боғлиқлиги аниқланди.


Шу каби 85 та шифохонада 361 та муаммо борлиги аниқланиб, шундан 3 таси жойида ҳал қилинди. Масалан, шаҳар наркология диспансери совуқ сув тармоғига уланмагани аниқланиб, муаммо бартараф этилди. Қолган муаммоларни ҳал қилиш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, қабристон ва дорихоналарда аниқланган муаммолар тизимлаштирилаяпти, натижасига кўра ҳал қилиш чоралари кўрилади.

Ушбу ижобий ишларни давом эттириш мақсадида шаҳардаги 403 та стоматология муассасаси муаммоларини аниқлаш ҳамда ёрдам кўрсатиш бўйича 11 та туманда 110 нафар аъзоси бўлган ишчи гуруҳлар тузилди.

Баҳритдин ТУРСУНОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

«ПРОКУРОРЛАР (ТАДБИРКОРЛАРГА) ЁРДАМ КЎРСАТАДИ» ШИОРИ ОСТИДА



85 та шифохона,



74 та поликлиника, **13** та туғруқхона,

73 та қабристон ва

1733 та дорихона фаолияти ўрганилиб, уларга амалий ёрдам кўрсатилди.



Фарғона вилоятида аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси таҳлил қилиб борилмоқда. Ишсизлик муаммосини ҳал этиш дастури ишлаб чиқилган. Хотин-қизлар, коллеж битирувчилари, шунингдек, меҳнат мигрантларининг бандлигини таъминлаш учун муайян ишлар қилинаяпти. Бандликка кўмаклашиш марказларида рўйхатга олинган фуқаролар ишга жойлаштирилаяпти, турли касбларга қайта ўқишга юборилаяпти. Ишсизлик нафақаси тайинланмоқда. Шунингдек ишсизлар ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилмоқда.

ҚЎШИБ ЁЗИШ

бундай иллатлардан қачон қутуламиз?

Фарғона вилояти прокуратураси органларига ёрдам сўраб мурожаат этган икки мингдан зиёд киши соғлиқни сақлаш, халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, "Ўзтрансгаз" АК ва "Ўзбекэнерго" АК ҳудудий корхоналари, коммунал хизмат ва бошқа соҳаларга ишга жойлаштирилди. Вилоят прокурорининг сайёр қабулларида 301 нафар фуқаронинг мурожаати қаноатлантирилиб, ишга жойлаштирилди. Масалан, Данғара туманидаги қабулда ёрдам сўраган К.Ҳакимова 1-мактабга физика фани ўқитувчиси вазифасига ишга қабул қилинди.

Ҳисоботларга 189 та янги иш ўрни қўшиб ёзилган.

Қонун ҳужжатларининг ижроси таҳлил қилинганда вилоят бандлик бош бошқармаси ва бандликка кўмаклашиш марказлари фаолияти тўғри ташкил этилмагани оқибатида қонун бузилиши ва камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди. Хусусан, Бағдод туманида 117 та, Риштон туманида 21 та, Қува туманида 51 та янги иш ўрни ҳисоботга қўшиб ёзилган.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги низомга мувофиқ, ташкилотлардан олинган маълумотлар юқоридаги тоифадаги шахсларга иш ўринлари захирасини белгилайдиган қарор қабул қилиш учун ҳар йилнинг 1 сентябригача туман ва шаҳар ҳокимларига берилиши лозим. Бандликка кўмаклашиш марказлари маълумотларни ўз вақтида топширмагани туфайли Бағдод, Риштон ва Қува тумани ҳокимларининг қарори кечиктирилиб чиқарилган. Марказларда захира иш ўринларига ижтимоий ҳимояга муҳтожларни жойлаштириш талаб даражасида ташкил этилмаган, ҳисоботларга қўшиб ёзиш ҳолатларига барҳам берилмаган. Чунончи, Бағдод туманида 59, Риштон туманида 49, Қува туманида 25 нафар ногирон, таълим муассасаларини тамомлаган, сафарбарлик чақируви резервида хизматни ўтаган ва муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган, пенсия ёшига яқинлашиб қолган фуқаролар, жазони ижро этиш муассасасидан қайтган шахслар ишга жойлаштирилгани ҳисоботларга қўшиб ёзилгани аён бўлди.

Шаҳар, туман прокуратуралари томонидан вақтинча ишсизларни ҳақ тўланадиган жамоат ишлари билан банд этиш, жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги қарори ижросини ўрганиш мобайнида ҳам жиддий қонунбузилишлар аниқланди. Жамғарма ташкил этилганидан буён ўтган даврда 616 млн. сўмдан зиёд маблағ талон-торож қилинган.

Қўштепа туманида жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар учун ажратилган маблағнинг тўланиши ўрганилганида 13 та фермер хўжалигига марказ йўлланмаси билан жамоат ишларига жалб қилиниши лозим бўлган 380 нафар фуқародан 35 нафари ҳақиқатда ишлагани, 380 нафар фуқарога тўлаш учун ажратилган 91 млн. 200 минг сўм пулнинг 50 млн. 400 минг сўми бошқа мақсадда сарфлангани аниқланган.

Олтиариқ туманида 61 нафар фуқаро жамоат ишларида қатнашгани ҳақида сохта маълумотни расмийлаштириб, 86

Жамғарманинг 600 млн. сўмдан зиёд маблағи талон-торож қилинган.

млн. 300 минг сўмни талон-торож қилишган. Юқоридаги ҳолатларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан аҳоли бандлигини таъминлашга оид қонун ҳужжатлари ижроси таҳлили натижасига кўра қонунга зид ҳужжатларга 183 та протест келтирилди. Қонун бузилишини бартараф этиш ва унинг олдини олиш хусусида 38 та тақдимнома киритилди. Бунга йўл қўйган шахслар маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортилди. Судларга 1 млрд. 800 млн. сўмлик 829 та даъво аризаси киритилиб, 3317 нафар шахснинг ҳуқуқи тикланди. 51 млн. сўмлик зарарнинг ихтиёрий тўланиши таъминланди.

Анваржон НАЗАРОВ,
Фарғона вилояти прокуратураси бўлим катта прокурори

Татаристон президенти Рустам Минниханов шу йил ноябрь ойи охирида ишчи ташриф билан Ўзбекистонга келади, деб хабар бермоқда «Regnum».

МИБДАН ТАШАББУС

кам таъминланганларга ёрдам кўрсатилмоқда

Кейинги вақтларда ижтимоий тармоқларда МИБ нега эҳтиёжманд истеъмолчиларга ёрдам бермоқда деган савол кўп учраяпти. Айтиш керакки, ижтимоий тармоқларда МИБ ходимлари ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Бу фикрлар аслида Мажбурий ижро бюроси ташкил топганидан бошланган эди. Фуқароларимиз ҳисоби йўқ деб ўйлаган электр, газ ва сувнинг тўлови мажбурий эканини айнан шу идора ходимлари эслатиб қўйди, жавоб ҳам турлича бўлди.

Фойдаланилган энергия ресурслари учун ҳамма бирдек пул тўлаши шарт деган қоидага аксарият истеъмолчиларнинг ўрганиши қийин бўлди (шу жумладан, ўзига тўқ фуқаролар ҳам, кам таъминланган фуқаролар ҳам).

Аслида МИБ фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларда кам таъминланган оилалар ёки маълум тоифадаги гуруҳлар учун имтиёз ёки алоҳида тартиб белгиланмаган. Шунга қарамасдан МИБ ходимлари энергия ресурсларидан қарзи бўлган кам таъминланганларни нега йўқлаб қолишди?

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар бошқармаси катта инспектори Марғуба Амонованинг билдиришича, бундан эзгу мақсад кўзланган. Орамизда саховат қилишга одатланган ва ҳомийлик қилмоқчи бўлган инсонлар бор, лекин улар маҳалласида кимлар эҳтиёжмандлигини билмаслиги мумкин.

Қарзи бор кам таъминланган оилаларни аниқлаш учун маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда иш олиб олиб борилмоқда. Маҳалла фаоллари ўз навбатида ҳомийларга қарздор кам таъминланганлар ҳақида маълумот беришаяпти. Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлаяпти.

Наманганда бир куннинг ўзида саховатпеша инсонлар томонидан 7 нафар фуқаронинг 17,5 млн. сўм қарзи тўлаб берилди.

Саховатпеша юртдошларимиз ёлғиз қария, кўп болали ва эҳтиёжманд оилаларнинг коммунал тўловларини тўлаб беришмоқда. Мисол учун, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Шаҳристон 2-тор кўчаси 28-уйда яшовчи отасиз талаба Атаметовлар хонадонининг табиий газдан 900 минг сўм қарзи борлиги аниқланди ва ушбу маҳаллада яшовчи исмини маълум қилмаган тадбиркор табиий газ учун 1 млн. сўм тўлаб берди.


Нукус туманида халққа хизмат кўрсатиб келаётган тадбиркор "Самамбай" ОФЙда яшовчи С.Алламуратовнинг электр энергиясидан 575 минг сўм, табиий газдан 380 минг сўм қарзини, шунингдек, "Баканшақли" ОФЙда истиқомат қилувчи Б.Узоқовнинг табиий газдан 1 млн. 229 минг сўм қарзини тўлаб берди.

МИБнинг Шаҳрисабз туман бўлими ходимлари ҳамда "Янгиобод" МФЙ фаоллари ҳамкорликда ўтказган тадбир ҳам самара берди. Янгиобод қишлоғида яшаётган тадбиркор Н.Юсупов қишлоқдаги 58 та абонентнинг 15 млн. 673 минг сўмлик, Саксонкапа қишлоғидаги 28 та абонентнинг 11 млн. 49 минг сўмлик, Бешкапа қишлоғидаги 35 та абонентнинг 4 млн. 571 минг сўмлик қарзини қоплади. Мазкур қишлоқлардаги 121 та хонадон соҳиблари бундай саховатдан қувонган бўлса ажаб эмас.

Наманган вилоятидаги шундай тадбирларнинг бирида бюро ташаббусини қўллаб-қувватловчи фуқароларнинг кўплиги бизни ҳурсанд қилди. Биргина 30 октябрнинг ўзида 7 нафар фуқаронинг 17,5 млн. сўм қарзи тўлаб берилди.

Савоб қилиш кишининг ўзига фойда. Мажбурий ижро бюроси ходимлари жойларда истеъмол маданиятини юксалтириш ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш билан бирга ҳайрия тадбирларини ҳам давом эттирмоқда.

Фаррух ТОШПУЛАТОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бўлими бошлиғи



САВОБ ИШНИ ҲАР КИМ ҚИЛИШИ КЕРАК

– Коммунал тўловларни ундириш борасида маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда иш олиб борилади. Қарзини тўлай олмаётган истеъмолчиларга МИБ томонидан имтиёз берилмайди, – дейди ***бюронинг Сардоба туман бўлими бошлиғи Баҳодир Байзоқов.*** *– Ҳар бир маҳаллада қарздорларга ёрдам қилишга тайёр инсонлар топилади. Шу боис қурби етмаётган қарздорлар рўйхатини маҳаллага тавсия этиш мумкин.*

Сардоба туманининг Наврўз маҳалласида яшовчи А.Ў.нинг оилавий шароити оғир. Энергия ресурсларидан қарзи ҳам ошиб кетган. Бироқ тўлашга қурби етмайди. Шунинг учун ҳам МИБчилардан яшириниб ўтиради. Бугун эса ўзини таништирмаган бир инсон унинг электрдан қарзини тўлаганмиш. Квитанцияни кўриб, аёлнинг севинч ёшлари юзини ювди.

Маҳалла фуқаролар йиғинидан бу ҳақда эшитган саховатпеша инсон (кимлигини сир тутишимизни илтимос қилди) бюронинг туман бўлимига келди. Оиланинг электр энергиясидан 300 минг сўм қарздорлигини билгач, уни тўлиқ тўлаб берди. Шу маҳаллада яшовчи Р.Қ.нинг табиий газдан 200 минг сўм қарздорлигини билгач, ҳеч иккиланмай бу оиланинг ҳам қарзини узди.

Кам таъминланган оилаларга кўрсатилаётган ёрдам тўғрисидаги хабарларни ўқиган саховатпеша юртдошларимиз ҳам бу савобли ишга қўшилмоқда. Туманнинг «Пахтакор» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Ҳ.Ҳ.нинг уйига бюро ходимлари боришди. Уларни кўрган опанинг фарзандлари яна ташвишга тушди. Бироқ ходимлар уларга хушхабар айтишди. Бир тадбиркор савоб йўлида унинг электр энергиясидан бўлган 200 минг сўм қарзини узибди. «Улуғбек» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Т.Б.нинг табиий газдан 200 минг сўм қарзи ҳожатбарор инсоннинг марҳамати билан тўлиқ тўланди.

Мушкулот олдида нима қиларингни билмай турганингда аждодларимиздан мерос қадриятларимиз борлигига шукур қилаасан киши.

Мирзаобод тумани Боғистон маҳалласида яшовчи Р.Ҳ.нинг электр энергиясидан 500 минг сўм қарзи бор эди. Шу маҳаллада яшовчи ҳомий савоб учун уни тўлаб берди.

* * *

Гулистон шаҳрининг Сайқал маҳалласида яшовчи А.М. ўзбекларнинг саховатпеша эканини жуда яхши билади. Бугун буни яна дилдан ҳис этди. Қўли калталиги боис электр энергиясидан қарзини тўлолмай юрганди. Номи ошкор этилишини истамаган тадбиркор унинг 945 минг сўмлик қарзини тўлаб берганини эшитиб уни алқаб қолди.

* * *

Ширин шаҳрининг Фарҳод маҳалласида яшовчи М.М. МИБчиларнинг бу галги ташрифидан боши осмонга етди. Қарзи борлиги боис нима қилишини билмай юрганди. Хушхабарни эшитиб роса қувонди. Қўлларини дуога очиб, унинг дардига дармон бўлган, электр энергиясидан 100 минг сўмлик қарзини узган тадбиркорни «топганига барака берсин» дея олқишлади.

Шу маҳалланинг Зиёкор кўчасида яшовчи Р.С.нинг ҳам электр энергиясидан 200 минг сўм қарзи яхши инсонларнинг мурувватлари билан бартараф этилди.

* * *

Оқолтинлик тадбиркорлар ҳам савоб ишдан четда тургани йўқ. «Оқолтин гузари» хусусий корхонаси раҳбари А.Ш. ҳам ўзининг маҳалладоши Х.Р.нинг электр энергиясидан 500 минг сўм қарзини тўлаб бериб, онахоннинг дуосини олди.

* * *

Гулистон шаҳрининг «Улуғобод» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Д.С.нинг электр энергиясидан 1 миллион сўм қарзини маҳалла фаоллари биргаликда тўлаб берди.

Мажбурий ижро бюроси органлари томонидан жойлардаги кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларга амалий ёрдам кўрсатилиб, саховатпеша ҳомийларни жалб этган ҳолда 15 кунлик мудатда 317 млн. сўмдан ортиқ энергия ресурслари (203,7 млн. сўм – электр энергия, 104,3 млн. сўм – табиий газ, 7,1 млн. сўм сув таъминоти ва 1,56 млн. сўм маиший чиқинди) бўйича қарздорликлар тўлаб берилди.

Электрдан бўлган қарзини тўлашга қурби етмаётган аёлга ўзини таништирмаган бир инсоннинг саховати далда бўлди.

«Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи М.Э.нинг электр энергиясидан 550 минг сўм қарзи тадбиркор Ҳусниддин Тошматов ҳомийлигида бартараф этилди.

Умид МИРЗАЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ катта инспектори

МИЛЛИЙ ҒУРУРИМИЗ ТИМСОЛИ

Дунёда тарихи минг йилларни қамраб олган миллатлар саноқли. Биз эса тарихи буюк миллатнинг фарзандларимиз. "Бизким, мулки Турон, амири Туркистонмиз. Миллатларнинг энг улуғи – туркнинг бош бўғинимиз...". Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг бу хитоби юртимизнинг ўтмиши буюк бўлганини, келажаги ҳам буюк бўлиши муқаррарлигини эслатиб турибди.



Долғали дунёнинг не-не синовларини бошидан ўтказган халқ яна ўзлигини топди, ўз озодлиги, ўз сўзига эга бўлди. Мустақилликни қўлга киритиб, конституцияси, байроғи, герби ва мадҳиясига эга бўлган халқ аввало ўз тақдирини ҳам ўзи белгилайди. Байроғимиз ҳам давлатимиз рамзларидан бири. Мазкур миллий тимсолда халқнинг ўтмиши, бугуни, келажаги, шунингдек, орзу-ўйи, маслак-мақсади мужассамдир.

Давлатчилигимиз тарихининг қай бир даврини олиб қарамайлик, давлат рамзлари ватан тимсоллари сифатида ҳамиша азиз ва муқаддас саналган. Шу жумладан байроқ ҳам қадим-қадимдан мустақиллик, тинчлик ва барқарорлик рамзи бўлиб келган. Бу тимсол остида элатлар бирлашган, эл-улус тинчлиги, ватан ҳимояси йўлида баҳодирлар ёвга қарши ғурур, ор-номус учун қўлларида байроқ кўтариб жангга кирганлар. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур бобомиз давлат рамзларига жуда юксак сиёсий аҳамият берган. Соҳибқирон жанг майдонида бир лашкар омон қолса ҳам, у мамлакат байроғини баланд тутсин деб фармон берган. Байроқнинг эгилиши мағлубият белгиси деб қабул қилинган. Соҳибқироннинг юришларида лашкар олдида унинг туғи – байроғи олиб юрилган. У муқаддас тимсол сифатида ишончли саркардалар томонидан қўриқланган. "Темур тузуклари"да таъкидланишича, шижоат ва мардлик кўрсатиб, душман устидан ғалаба қозонган амирлар ва сипоҳийлар давлат тимсоллари – туғ ва ноғора билан мукофотланган.

Буюк ватандошимиз Нажмиддин Кубро юртга ёв ҳамла қилганда, жанг майдонида умрининг сўнгги лаҳзасида ҳам ҳурлик яловини қўлдан қўймаган. Жалолиддин Мангуберди каби саркардаларнинг ҳам эл-юрт озодлиги йўлидаги қурашларида байроқ уларга мардлик, шижоат, буюклик бахш этган.

Аждодлардан қолган қадим анъаналар бугун яна қайта тикланди. Аждодларимиз байроқ қилиб кўтарган озодлик, ҳурлик каби эзгу орзулар рамзларимизга кўчди. Шу маънода Ўзбекистон байроғи ўтмиш, бугун ва келажакни ўзида ёркин намоён этган муқаддас тимсолнинг ифодасидир.

1991 йилнинг 18 ноябрида қабул қилинган байроғимизда давлатимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлиги, унинг салоҳияти, халқимизнинг иродаси, асрлар мобайнида тобланган ғурури, кайфияти акс этган. "Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида"ги қонунда байроғимизнинг шакл-шамойили, фойдаланиш йўл-йўриқлари аниқ кўрсатиб берилган. Давлатимиз байроғи Ўзбекистон делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, юртимизнинг чет эллардаги элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарида, халқаро конференцияларда, жаҳон кўргазмаларида, спорт мусобақаларида, юртимиздаги барча давлат идораларида озод ватанимиз тимсоли сифатида ҳилпираб турибди.

1992 йилнинг 2 мартидан бошлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳи олдида 180 дан ортиқ мустақил давлат байроқлари қатори юртимиз байроғининг ҳам мағрур ҳилпираб туришини кўриш нақадар катта бахт.

Ватанимизнинг кўҳна тарихидан то шу кунга қадар байроғимиз саккиз марта ўзгартирилган бўлса, унинг ҳозирги танланган кўриниши энг чиройлисидир. Мамлакатимиз мустақиллигининг тимсоли бўлмиш байроғимиз абадий ҳилпираб турсин, юртимизнинг тинчлигига кўз тегмасин.

Равшан ХУРРАМОВ,
Қашқадарё вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

MUNOSABAT

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ ИЖТИМОИЙ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 9 январдаги "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фармонда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда энг аввало ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар узвий олиб борилмаётгани ҳамда узоқ йиллар давомида бу масалага ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмагани таъкидланган. Дарҳақиқат, узоқ вақт ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотишга эътибор қаратилмади. Шу каби муаммоларни бартараф этиш учун мазкур ҳужжат билан бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Энди амалга оширилаётган ислоҳотлар, янги қонун ҳужжатларининг моҳиятини тушунтириш тизимини шакллантириш, фуқаролар онгида «Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир!» деган ҳаётий ғояни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ушбу ҳужжатда ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, ҳар бир фуқарода давлат рамзлари билан фахрланиш туйғусини шакллантириш орқали мамлакатга дахлдорлик, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш, оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий ахборот билан таъминлашдаги ролини ошириш белгилаб берилган. Энг аҳамиятлиси, мазкур вазифаларни амалга оширишда "Юксак ҳуқуқий маданият – мамлакат тараққиёти кафолати" деган концептуал ғоя ҳамда «Шахс – оила – маҳалла – таълим муассасаси – ташкилот – жамият» принципини тарғиб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Фармон билан Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси тасдиқланди. Концепциянинг асосий мақсади аҳолининг барча қатламларининг ҳуқуқий саводхонлигига эришиш, мустаҳкам иродали, ўз ҳуқуқларини биладиган ва қонунларни ҳурмат қиладиган, фаол фуқаролик позициясига эга ва ҳуқуқбузарликка нисбатан муросасиз фуқароларни тарбиялашнинг кенг қамровли тизимини яратишдан иборат.

Бир сўз билан айтганда, ушбу ҳуқуқий ҳужжат халқимизнинг ҳуқуқий онги, маданияти ва саводхонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Концепцияда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашда нафақат давлат ташкилотлари, балки аҳолидан, фуқаролик жамияти институтларидан ҳам фаоллик талаб этилади.

Гайратжон СУЛТОНОВ,
Департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи

TADBIR

Ўтган ҳафтада "Адолат" ҳуқуқий ахборот маркази" давлат муассасасида жисмоний ва юридик шахслар ҳамда журналистлар учун "Очиқ адлия" ("Open Justice") дастури доирасида "Очиқ эшиклар куни" тадбири ўтказилди.

«LEX.UZ»ГА ИШОНСА БЎЛАДИМИ?

Унда оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда коллеж ва лицей ўқувчилари, ўқитувчилари қатнашди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги "Аҳолига ҳуқуқий ахборотни етказиш ва юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан "Адолат" ҳуқуқий ахборот маркази давлат унитар корхонаси давлат муассасаси шаклида қайта ташкил этилди.

Бугунги кунда марказнинг Ўзбекистон қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – "lex.uz"даги 75913 та норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлардан жисмоний ва юридик шахслар фойдаланмоқда. "www.lex.uz"ни АҚШда 63595, Германияда 13648, Жанубий Кореяда 9912, Ангияда 28395, Россияда 293822 та фойдаланувчи фаол кузатмоқда. Сайтдаги қонун ҳужжатлари нафақат давлат тилида, балки қорақалпоқ, инглиз ва рус тилида ҳам эълон қилинаяпти.

Бугунгача "Адолат" белгиси билан мамлакатимизда қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришга ҳисса қўшиш мақсадида 900 га яқин номда қарийб 10 миллион нусха китоб ва қўлланмалар нашр этилиб, аҳолига етказилди. Улар орасида Ўзбекистон кодекслари, қонунлари, уларга шарҳлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", "Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами" расмий нашрлари, ҳуқуқшунослик турли соҳаларига оид илмий ва оммабоп китоблар, дарслик ва қўлланмалар, бадиий асарлар бор.

Бундан ташқари, 2019 йилда қабул қилинган 1519 та қонун ҳужжати 142 та давлат органи ва ташкилотига ҳимояланган алоқа каналлари орқали етказиб берилди.

Шу кунгача китобхонлар ҳуқуқий адабиётлар ва бошқа нашрларни марказнинг ўзидан шартнома орқали ёки "Юридик адабиётлар" дўконидан харид қилишган бўлса, 2019 йилдан бошлаб китобларни онлайн буюртма орқали манзилга етказиш, аҳолига хизмат кўрсатишда электрон китоб шаклларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди. Айни вақтда марказда нашр этилган кодекслар, қонунлар, юридик ва бошқа турдаги китобларни www.adolatmarkazi.uz интернет дўконидан сотиб олиш мумкин.

"Очиқ эшиклар куни" иштирокчилари марказ фаолияти билан яқиндан танишиб, ўзларини қизиктирган саволларга мутахассислардан жавоблар олишди.

Камолиддин АСҚАРОВ,
"Huquq"

Япониянинг «Balcom Group» компанияси президенти Тетсуро Ямасака Наманганда бўлди. У бу ерда хусусий мактаб очмоқчи.

FAOLIYATIDAN

КИССАНИ ЎЙЛАБ, ҚОПҚОНГА ТУШДИ...

Бировнинг мулкига кўз олайтириш оғир гуноҳ саналишини барча билади. Аммо яна бир нарса борки, баъзан инсон унинг олдида ожизлик қилиб, ўзини ўзи қопқонга тушириб қўйганини билмай қолади.

Маҳмуд Соатов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам нафс қулига айланди-ю, охири эл ичида юзи шувут бўлди.

У бир неча йилдан буён Наманган туман ирригация бўлимида ишлаб келарди. 2017 йилда етакчи муҳандис-гидротехник лавозимига тайинланди. Зиммасида гидроучасткадаги иншоотлар бўйича маълумот тайёрлаш, Сирдарё қирғоғи мустаҳкамлигини сақлаб туриш учун фуқаролар билан шартнома тузиш, яъни қирғоқ ҳудудига терак ва тол эктириб, қирғоқ ювилиб кетишининг олдини олиш, фуқаролар етиштирган маҳсулотларнинг шартномада кўрсатилган қисмини пул ёки маҳсулот шаклида банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиш каби масъулиятли вазифа бор эди.

Яхши ишлаб келаётган М. Соатов янги ишга ўтди-ю, нафсига бўйин эгди-қўйди.

Кунларнинг бирида Сирдарё қирғоғида терак етиштириб келаётган Шамсиддин Қаюмов уни йўқлаб келди.

– Ака, экқан теракларим етилиб қолди. Уларни кесиб сотсам дегандим... Расмиятчилик ишларини қилиб қўйсак...

Бу гапни эшитган М.Соатовнинг хаёлида турфа ўйлар чарх ура бошлади.

– Бунинг учун комиссия тузилиб, ҳолат жойида ўрганилиши, далолатнома тузилиши кераклигини биласиз-а? – сўради у сирли қилиб.

– Ҳа, биламан... – деди Ш.Қаюмов.

– Билсангиз, аввал ариза ёзинг...

Ш.Қаюмов айтилганидек ўзи етиштирган теракларни кесиб олишга рухсат сўраб ариза ёзди. М.Соатов эса уни ўқиш асносида сўз қотди:

– Махсус комиссия ўрганган гач, далолатномага имзо қўйиши керак. Агар муросага юрсангиз, ҳужжатларни шундоққина расмийлаштириб беришим мумкин...

Ш.Қаюмов унинг нима демоқчилигини англаб, юзига термулди.

– Хўш, нима қилишим керак?!

– Далолатномага имзо қўювчилар учун етти юз минг сўм, шартнома бўйича эса икки миллион сўм тўлашингиз керак...

Ш.Қаюмов бироз ўйланиб қолди. Сўнг бошқа чораси қолмагани учун рози бўлиб, эртаси куни келишини айтиб чиқиб кетди.

У айтилган пулни олиб келганида М.Соатов ўз хизмат хонасида уни кутиб ўтирарди. Пулни олди-ю, бироқ уни "ҳазм қилиш"га улгурмади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига кўзи тушиши билан ҳаммасини тушунди...

Суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилган М. Соатов нафақат ишидан, балки мисқоллаб йиққан обрўсидан ҳам мосуво бўлди. Қолаверса, эгрилик билан киссасини қаппайтиришни кўзлагани касрига яхшигина жарима ҳам тўлади.

Илғоржон АНАРОВ,
департаментнинг Наманган тумани бўлими бошлиғи

ГЎШТНИНГ МУҲРИ ҚАЛБАКИМИ?

Солиқ тўловчиларнинг солиқ базасини яшириши ва тўлашдан бўйин товлаши механизмларини аниқлаш ва бартараф қилиш долзарб вазифага айланди. Хуфиёна иқтисодиёт шаклланишининг сабабларига алоҳида эътибор берилмоқда. Рўйхатдан ўтмаган ёки лицензиясиз ишлаётган тадбиркорлик субъектларининг фаолияти қонунийлаштирилаяпти. Бу борада профилактик тадбирлар ўтказилаяпти. 2019 йилнинг шу кунига қадар ноқонуний фаолият юритаётган 6 нафар фуқарога қонун ҳужжатлари талаби тушунтирилиб, уларнинг фаолиятига қонуний тус берилди.

Бундан ташқари, истеъмолга яроқсиз маҳсулотларнинг муомалага киритилишига қарши кескин чоралар кўрилмоқда. Жумладан, департаментнинг Тошкент вилояти бошқармаси ва Тошкент тумани бўлими томонидан ўтказилган тадбирда фуқаролар Д.Гелдиев, Ф.Гелдиев ва бошқалар Тошкент туманида жойлашган хонадонда яширин цех ташкил қилишгани аниқланди. Улар Қашқадарё вилоятидан олиб келинган истеъмолга яроқсиз гўштларни қалбаки муҳр босиб, умумий овқатланиш шохобчаларига сотиб келишгани ҳам аён бўлди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ДСЭН маркази хулосасида ҳамда Тошкент туман ветеринария бўлимининг хатида бу гўшт истеъмол қилинганда юқумли ўткир ошқозон-ичак касалликлари ва овқатдан заҳарланишни келтириб чиқариши сабабли хавфсизлик талабига жавоб бермаслиги маълум қилинган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзатилиб, суд томонидан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Рустам ИБРОГИМОВ,
департаментнинг Тошкент тумани бўлими бошлиғи

ҚОНУНДАН ТАШҚАРИ ҚАДАМ

Департаментнинг Нишон тумани бўлими Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 10 июлдаги «Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 200-буйруғи ҳамда 2013 йил 16 октябрдаги 351-буйруғи туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази (ДСЭНМ) томонидан қандай бажарилаётганини ўрганди.

2018 йилда туман тиббиёт бирлашмаси, халқ таълими бўлими ва мактабгача таълим тизимидаги ходимлар марказнинг бактериология ва паразитология бўлимларида тиббий кўрикдан ўтказилган. Бироқ ундан тушган пулнинг тўлиқ кирим қилинмагани, шунингдек, туман ДСЭНМ бош шифокори К.Х. ва марказнинг пулли хизмат бўлими масъул ходими Б.С. ҳамда лаборант Ҳ.С. жиноий тил бириктиришгани ошкор бўлди. Улар 2017-2018 йилларда ва 2019 йилнинг 4 ойида тушган 63 миллион 349 минг сўм пулни марказ хазинасига кирим қилмасдан талон-торож қилишганда буни ҳеч ким билмайди деб ўйлашган чоғи.

Мазкур ҳолат юзасидан департаментнинг Нишон тумани бўлими томонидан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукми билан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Азимжон ЯКУБОВ,
департаментнинг Нишон тумани бўлими бошлиғи

ҲАВОГА УЧГАН ПИЁЗ

Бундан бир неча йил олдин банклар қошида валюта айирбошлаш шохобчалари бўлсада, мижозлар ўз валютасини қора бозорда айирбошлаб оларди. Бунга сабаб – шохобчадаги нархдан қора бозордаги нарх анча баланд бўларди.

Ҳозир ҳар бир фуқаро банкдан хоҳлаган миқдорда валюта сотиб олиш ва сотиш имконига эга бўлди. Валюта нархини қора бозорда маймундек ўйнатаётган баъзи кимсаларнинг "ўйин"лари ўз-ўзидан барҳам топди. Лекин «Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» деганларидек, баъзи кимсалар ҳамон ушбу савдони ноқонуний амалга ошириб, ўзларига жабр қилмоқда.

Олмос Илёсов ва Элдор Саидов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) яхшигина ишбилармон. Улар мавсумга қараб қўшни давлатларга сабзавот олиб чиқиб сотишарди. 2019 йилнинг апрель ойида Сурхондарё вилоятида пиёз пишган маҳал эди. Икковлон деҳқонлардан бир неча тонна пиёзни харид қилиб, қўшни республикага олиб чиқиб сотишди. Омадлари келиб, анча пул ишлашди. Ўн минг доллар билан уйларига қайтаётган О.Илёсов ва Э.Саидов бу пулни банк орқали сўмга алмаштириб олишса олам гулистон эди. Аммо уларга хорижий валютани қора бозорда сотса янада кўпроқ фойда кўрадигандек туюлди.

Икковлон меҳмонхонага жойлашиб, доллар сотиш учун мижоз қидира бошлашди. Кўп ўтмай уларнинг пулига харидор топилди. Саида Ўктамова доллар кераклигини айтганида, Олмос дарҳол шериги Элдорга қўнғироқ қилди. Хуллас, йигитлар 8500 АҚШ долларини 73 миллион сўмга сотишди. Аммо бу савдо уларга қимматга тушди. Департаментнинг Яккасарой тумани бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда ушбу ноқонуний савдога чек қўйилди.

Жиноят ишлари бўйича Яккасарой тумани судининг ҳукми билан О.Илёсов ва Э.Саидовга жарима жазоси тайинланди. Уларга тегишли валюта мусодара қилинди.

Мазкур ҳолат шуни кўрсатадики, қонундан ташқари ишлар ташвиш келтиради. Ҳар бир хатти-ҳаракатимиз қонун доирасида бўлса, хотиржам яшаймиз.

Нуриддин ЖУРАЕВ,
департаментнинг Яккасарой тумани бўлими бошлиғи



ЎРГАНГАН КЎНГИЛ

Синфдоши Мироншоҳ қўнғироқ қилиб доллар кераклигини айтганда Отабек бу иш билан шуғулланмаслигини айтди-ю, сўнг пушаймон қилди. "Эҳ, савдонинг белига тепдимми?...". Яшин тезлигида миясига келган фикрни ўзича қувватлаб, Мироншоҳга телефон қилди.

– Майли, сазанг ўлмасин, дўстим. Қанча керак экан?!

– 4200 доллар.

– 8550 сўмдан 36 миллион сўм олиб келсанг...

Отабек 2019 йил 14 май куни Бухоро шаҳри Ширбуддин кўчасидаги уйида фуқаро Ф.Назаровга 4200 АҚШ долларини сотиб, фойдани чўнтакка уришга улгурмади. Департамент ходимлари ўтказган тадбирда қўлга тушган Отабек Жўраевга қилмиши учун қонун олдида жавоб беришига тўғри келди. Унга энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида, яъни 10 миллион 136 минг 500 сўм жарима жазоси тайинланди. 4200 АҚШ доллари эса давлат фойдасига мусодара қилинди.

Шавкат НАСРЕТДИНОВ,
департаментнинг Бухоро тумани бўлими бошлиғи

«Titan Travel» ҳисоботига кўра, Ўзбекистон Борнео ва Коста-Рика билан бир қаторда 2020 йилда саёҳат қилиш учун энг жозибали ва экзотик йўналишлардан бири сифатида тан олинди.

АХЛОҚСИЗ ПАДАР



Одам боласига энг аввало ҳузур-ҳаловат керак. Ҳаётингиз тўкис бўлса-ю ҳаловатингиз бўлмаса, ҳеч нарса татимайди.

Норгул (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам анча йиллардан бери ҳаловат излаганлардан. Йиллар бўйи турмуш ўртоғи туфайли тортган азоблари аёлни толдирди. Ўша куни ҳам эрининг қилиқлари жонидан ўтиб, қаттиқ асабийлашди. Жаҳлига эрк берди, ўзини тутолмай эри Эшқобилни ўлдириб қўйди. Суд ҳукми билан Норгул 4 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Суд мажлисида қўргазма берган аёл бундай дейди:

"Бундан 27 йил аввал марҳум эрим Эшқобилга турмушга чиққанман. Ўша пайтлар менга муносабати, муомаласи яхши эди. Кейин биринчи фарзандимиз Фазилат туғилди. Шундан сўнг у киши кўп ичадиган бўлиб қолди. Ҳар ичганда мен билан жанжал қилиб, урадиган одат чиқарди. Ўша пайтлари эрим ишлаш учун Наманганга кетди. Орадан бир ой ўтиб менга хат келди. Унда турмуш ўртоғим бир киши билан уришиб уни ўлдириб қўйгани учун қамалгани баён қилинганди. Олти йилдан сўнг қамоқдан чиққан эрим уйга қайтди. Ҳали ҳам эски одатини ташламаган экан. Яна ичкиликка ружу қўйди. Аввал эримнинг қилмишларидан ёлғиз ўзим азобланган бўлсам, энди хўрликларимга қизим ҳам шерик эди. Бу орада иккинчи қизим Раъно дунёга келди. Эримда ўзгариш бўлмади. Маст ҳолатда бировнинг машинасини олиб қочиб, яна қамалиб қолди. Бу гал 4 йил "ўтириб" келди. Учинчи боламиз – ўғлимиз туғилди. Оиламиз катталашди. Бироқ эрим буни ўйламас, топганини ўзига сарфлаб, маст бўлиб бизга азоб берарди".

Буёғини ўқисангиз, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Жамики жонзотлар ичра онги билан ажралиб турадиган инсоннинг қилмишларидан ер ёрилса-ю ерга кириб кетсам дейсиз. Тўғриси, бу гапларни айтиш Норгулга ҳам осон кечмагандир.

"2012 йил эди. Эрим маст бўлиб келса, катта қизим Фазилатга тегажоғлик қиладиган бўлди. Уйда бўлсам отасининг қўлидан ўзим ажратиб оламан, уйда йўқ пайтларим эса ўзи кўчага қочиб чиқиб кетарди. Қизим бундай шармандаликларга чидолмади. Тошкент шаҳрига ишлашга кетиб қолди.

Ўтган йили ноябрь ойи эди. Ишдан келсам қизим Раънони ураётган экан, ажратиб олдим. Қизим уйдан қочиб кетди. Ундан хавотирланиб, анча пайт қидирдим, лекин ҳеч келавермади. Шу пайт бир киши келиб, "Қизингиз ўзини каналга ташлади, қуткариб қолдик" деди. Шундан сўнг қизим бир муддат онамларникида яшаб келди.

Бир куни одатдаги жанжал бўлганда эримни қўрқитиб қўймоқчи бўлиб, ички ишлар ходимларига мурожаат қилдим. Улар келганда турмуш ўртоғим ўзини ухлаганга солиб ётиб олди. Кетгач эса "Сен ҳали уйга милиция чақирадиган бўлдингми?" деб роса дўппослади. Кейин қайта мурожаат қилмайдиган бўлдим.

Ўзим шифохонада фаррош бўлиб ишлайман. Ўша куни ишдан келсам, уйга Россияда ишлаб яқинда қайтган қайноғам, бошқа вилоятда яшайдиган қайнукам келган экан. Эрим ака-укаси билан бир шишани бўшатибди. Меҳмонлар бироз ўтириб кетишди.

Маст бўлиб қолган эрим қизим икковимизни куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қила бошлади. Менга ароқ олиб келишни буюрди. Аввалига уни чалғитмоқчи бўлдим. Анча маст бўлиб қолдингиз, ётиб дам олинг дедим. Лекин ҳеч кўнавермади. Охири кўчага чиқишга мажбур бўлдим. Ароқни ҳам тезда олиб келмадим. Мени кутиб ухлаб қолар деган ўйда ташқарида туравердим. Болаларимга азоб бермаётганмикан деган хаёл тинчлик бермади, охири дўкондан бир шиша ароқ олиб уйга бордим. У киши мени кутмасдан қаердандир бир шиша ароқ топиб келиб ичиб ўтирган экан. Мени ёнига чақириб, ахлоқсиз шартлар қўйди. "Қизинг ҳам навбатда турсин", – деди ёқимсиз кулиб. Жаҳлим чиқиб кетди. Бунақа гапларини кўп эшитган бўлсам-да, ҳар гал хўрлигим келади, ҳаётимдан норози бўлиб, дунёга сиғмай кетаман.

Мушт емаслик учун тилимни тийдим. Ётиб ухлаб қолишини кутиб, ташқарига чиқдим. Бир пайт уйдан Раънонинг "Ая" деб бақиргани эшитилди. Хонага кириб нима бўлганини сўрадим. "Отам менга тегажоғлик қилиб, номусимга тегмоқчи бўлди", – деди. Қизимни укаси ва жияни ётган хонага киргизиб юбордим. Ортиқ ўзимни босиб туролмадим. Бутун вужудимни қаҳр-ғазаб эгаллади. Шунча вақтдан бери мени уриб, ҳақорат қилишларига чидадим, аммо бу ишидан жоним бўғзимга келди. Ўзим олиб келган ароқни бўшатибди. Ўша катта шишани олдим-да, эримнинг бошига тўрт-беш марта урдим. Ерга йиқилгандан сўнг қорнида тиззалаб сакрадим. Қорнига шиша билан ҳам урдим. Юзлари қонаб, хириллаб қолди. Уни гиламчага ўраб, қизим билан кўчага чиқардик. Набирам йиғлаб қолгани учун қизимни уйга киргиздим. Ўзим гиламни кўчанинг бошигача судраб бордим. Уни гиламдан ағдариб тушириб юбордим. Уйдан чопони ва оёқ кийимини олиб келиб чопонни устига ташладим. Телефонини чўнтагига солиб қўйдим. Дарвозани ёпиб ётдим.

Эрталаб кўчада ИИБ ходимлари юрган экан. Қилмишимни яшириш мақсадида турмуш ўртоғимни сўраб, қайноғамникига бордим. Бўлиб ўтган воқеа ҳақида ҳеч нима демадим. Кўп ўтмай ИИБ ходимлари номаълум жасад эримники эканини аниқлади", – деб айбига иқрор бўлди.

Шунингдек, марҳум Эшқобилнинг акаси келини Норгулнинг гапларини ақлига сиғдиролмаётганини, келини бунақа воқеаларни ҳеч қачон гапирмаганини айтди. "Агар айтганда бирор чорасини кўрардик", – деди. Айни пайтда келинига ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдирди.

Инсон ўзлигини йўқотиб, ароқсиз туролмайдиган бўлиб қолса, ундан яна нима кутиш мумкин? Бироқ уни яшашдан маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Қолаверса, ҳеч ким дунёга ароқхўр ёки қотил бўлиб келмайди. Уларнинг бундай қўйга тушишига муҳитнинг таъсири катта. Шундай экан, бир-биримизнинг ҳолимиздан хабардор бўлайлик, азизлар, қўни-қўшнилар, қариндошлар, маҳалладошлар...

Шоҳрух САЙФИТДИНОВ,
Пахтачи тумани прокуратураси терговчиси

ЎН БИРИНЧИСИ КОР ҚИЛАРМИКАН?

Ёши олтмишдан ўтган бу одамнинг жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судида кўрилган навбатдаги жиноят иши тафсилоти жуда оддий. Аммо унгача бўлган тафсилотлар ҳукмнинг бир неча варағини эгаллаган. Ҳа, бу қариянинг илгари неча бор судланган ҳақидаги қайдларни ўқиб чарчаб кетасиз. Беихтиёр бу одамнинг жиноятдан бошқа иш қилишга ҳам вақти қолганмикан ўзи дея ўйлаб қоласиз...

Мардон Муҳаммадиев 1959 йилда туғилган. Маълумоти ўрта. Бўйдоқ, ҳеч қаерда ишламайди. Қарши шаҳри "Дарвозатутак" МФЙда яшайди. 1978 йилдан 2015 йилгача унга қилган жиноятлари учун жами 10 марта жазо тайинланибди. Гоҳ бир ярим, гоҳ икки, гоҳ уч ярим йил озодликдан маҳрум қилинган, баъзан амнистия жонига ора кириб, ё жазодан озод қилинган ёки жазо бошқасига алмаштирилган. Лекин у қайта-қайта жиноятга қўл ураверган...

Сўнгги марта Мардон Муҳаммадиевга суд ҳукми билан 5 йилу 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, кейинроқ суд аҳримига кўра ўталмай қолган икки ярим йилга яқин муддат озодликни чеклаш жазоси билан алмаштирилган. Бунинг ҳам ярмидан кўпини ўтамаган эди.

Ўшанда ҳамма томорқасига турли кўкатлар, сабзавот экиш билан овора эди. Ким нима ташвишда-ю, Мардон Муҳаммадиев 2019 йил апрель ойининг ўрталарида ҳовлисидаги пластмасса челакка тупроқ тўлдириб, икки дона наша уруғини экди. Ичкарида ўз дарди билан ўзи овора бўлиб, бемор ётган саксон беш ёшли онаси бундан хабар ҳам топмади. Бу орада экин остини теша билан юмшатиб, сув қуйиб, парваришлаб турди. Орадан бир ой ҳам ўтмасдан уйига кириб келган ички ишлар ходимлари унинг челакдаги "хазина"сини ҳолислар иштирокида хатлаб олишди.

Суд ҳукмига кўра Мардон Муҳаммадиевга ўталмай қолган жазони қисман қўшиш йўли билан 3 йилу 6 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Сиз нима деб ўйлайсиз, балки бу сафар у инсофга кириб, тўғри йўлни танлар?!

Азизбек МУХТОРОВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Жорий йил 18 ноябрь куни «Глобал тадбиркорлик ҳафталиги» (GEW) старт олди.

FAOLIYATIDAN

Фарзанд ҳаққига хиёнат

Фарзандига алиментни ўз вақтида ёки олдиндан тўлаб борувчи одамлар тўғрисида оммавий ахборот воситаларида жуда кўп ёзилмоқда. Аслида улар оламшумул иш қилгани йўқ, фарзанди, собиқ оиласи олдидаги мажбуриятини бажармоқда, холос.

Суд қарори чиққанига қарамасдан ўз фарзандининг таъминотидан бўйин товлаётган айрим эркаклардан алимент ундириш осон эмас, албатта. Гапни уққан ота алиментни ўз вақтида тўлайди, уқмагани эса "Дунёни сув босса ўрдакка не ғам" қабилида юраверади. Натижада бундайларга нисбатан бошқача таъсир чораларини қўллашга тўғри келади.

Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг буйруғига асосан Д.Н.дан иккита фарзандининг таъминоти учун ҳар ойда иш ҳақи ва бошқа даромадининг учдан бир қисми миқдорида алимент ундирилиши белгиланган, бироқ ота уни тўлашдан бўйин товлаб келган.

Илгари Д.Н. алиментни тўламагани учун унга маъмурий ишлар бўйича Юнусобод туман судининг қарори билан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланганди, лекин у бундан хулоса чиқармади. Уч йилдан бўён алимент тўламай келди. У на бирор жойга кириб ишлашни хоҳлайди, на оиласини тиклайди. Унинг номида мол-мулк ҳам йўқ, Боз устига, қарздор ҳамиша уйида бўлмайди, ярим кечаси ҳордиқ чиқаришга келмаса, бошқа пайтларда қўшнилар унинг уйда бўлганини кўришмаган ҳам.

Пичоқ бориб суякка тақалгач, Д.Н.га нисбатан сўнгги қонуний чора қўлланди. Унга нисбатан Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ишлари олиб борилди. Аниқланишича, Д.Н.нинг йиллар давомида алиментдан қарзи нақ 13 373 214 сўмга етибди. Суриштирув давомида ҳеч қаерда ишламайдиган шахсдан нимани ҳам олиб бўларди? Тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқий баҳо бериш учун жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судига юборилди.

Ходжиакбар АДИЛКАРИЕВ,
МИБ Юнусобод тумани бўлими суриштирувчиси

«Емаган сомса»га 250 миллион

Термиз туманида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш билан шуғулланувчи "Био техно ЭКО" масъулияти чекланган жамиятининг "Биллинг" дастури бўйича 32 та маҳаллада 21200 та абонент ҳисобга олинган.

Шу асосда 107951 нафар аҳолига хизмат кўрсатиб келинмоқда. Демак, ҳар бир абонент учун белгиланган тариф режасига асосан ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

Бироқ Мажбурий ижро бюросининг Термиз туман бўлими ходимлари аҳолидан кўрсатилган хизмат учун тўлов талаб қилганида фуқаролар жамият ҳеч қандай хизмат кўрсатмаётганини таъкидлаган. Бюронинг туман бўлими мазкур йўналишда хизмат кўрсатилмаётган жойларни аниқлаштириб, жамиятга тақдим қилди.

Жумладан, туман ҳудудида жами 2121 та абонентга 2018 йилнинг февраль ойидан 2019 йилнинг шу даврига қадар тўлиқ хизмат кўрсатилмасдан "Биллинг" дастурида сунъий қарздорлик ҳисобланаётгани аниқланди. Бу ҳақда далолатнома расмийлаштирилгач, 250 миллион сўмдан ортиқ нореал қарздорлик "Биллинг" дастури базасидан олиб ташланди.

Дебитор қарздорликни камайтириш борасидаги бу каби ишларни вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ҳам амалга ошириш кўзда тутилган.

Алимардон ИШНАЗАРОВ,
МИБ Термиз тумани бўлими бошлиғининг ўринбосари

Тўлов интизомига риоя этиш шарт

Истеъмолчиларда тўлов маданиятини шакллантириш энергия ресурслари, сув ва маиший чиқиндилар бўйича қарздорликни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

Мажбурий ижро бюросининг Чиноз тумани бўлими аҳоли билан бу борада муайян ишларни амалга оширмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, туманимизда 2019 йилнинг ўтган даврида 85 миллиард сўмдан ортиқ қарздорлик мавжуд бўлиб, шундан 84 миллиард 813 миллион сўми жисмоний шахслар ҳисобига тўғри келмоқда.

Тўлов интизомига риоя этмайдиган одамларнинг кўпчилиги Расулобод, Боғбон, Хўжа ва Тинчлик маҳаллаларида яшайди. Мазкур ҳудудларда ходимларимиз доимий равишда тарғибот тадбирларини ўтказмоқда.

Туманда йилнинг ўтган даврида 103 та энергия ресурслари ва ичимлик сувидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолати аниқланган. 82 та ҳолатда табиий газдан фойдаланиш қоидасини бузиш оқибатида давлатга 236 миллион 284 минг сўм зарар етказилган. Шундан 36 миллион 496 минг сўми ихтиёрий равишда тўланган. 127 миллион 200 минг сўмини ундириш бўйича фуқаролик ишлари бўйича Қуйичирчиқ туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Бўлимимиз ходимлари энергия ресурслари ҳамда ичимлик сувидан фойдаланишнинг қонунийлигини ўрганганида Боғбон маҳалласида яшовчи Абди Қулиев таъминотчи корхона билан табиий газ учун шартнома тузмасдан, тармоққа ўзбошимчалик билан уланиб олгани аниқланган. Мазкур хонадон табиий газдан ноқонуний фойдаланиб келгани натижасида давлатга 15 миллион 84 минг сўм моддий зарар етказгани маълум бўлди. Ушбу ҳуқуқбузарга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баробари миқдорида жарима солинди.

Ҳудудларда ишлатилган энергия ресурслари ҳақини тўламаётган истеъмолчиларга нисбатан таъсир чораларини кўриш ишлари давом этмоқда.

Музафар НОРХОДЖАЕВ,
МИБ Чиноз тумани бўлими бошлиғи

Бугунги кунда суд қарорлари ижросини таъминлаш ва етказилган зарарларни ундиришда Мажбурий ижро бюросининг роли катта. Бу жараёнда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинади.

Қарз ва моддий зарар

Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг ижро варақасига асосан Н.Арслоновдан Ж.Авазовга 42 миллион 134 минг 190 сўмлик қарз ва моддий зарарни ундириш бўйича қилинган ҳаракатлар самара бериб, зарар тўлиқ қопланди. Шу билан бирга, бюронинг Косон тумани бўлими давлат ижрочиси М.Янгибоев иш юритувида бўлган алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ўрганиш жараёнида томонларни яраштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Маҳалла фаоллари иштирокида ўтказилган тарғибот ва тушунтириш ишлари натижасида тарафлар яраштирилди. Ҳозир улар бир оила бўлиб яшамоқда.

Шарофиддин ТОШПУЛАТОВ,
МИБ Қашқадарё вилояти бошқармаси бўлими инспектори

Солиқ қарзи ундирилди

Мажбурий ижро бюроси ўз вақтида тўланмаган солиқларни мажбурий тартибда ундириш ҳақидаги суд қарорлари ижросини қатъий назоратга олган.

Каттақўрғон туманлараро иқтисодий судининг ижро ҳужжатига асосан "Зирабулоқ" пахта тозалаш заводидан Нарпай туман давлат солиқ инспекциясига 3 миллиард 792 миллион 456 минг сўм солиқ қарзини ундириш белгиланган.

Ушбу ижро ҳужжати МИБ Нарпай туман бўлими иш юритувига келиб тушди. Ижро ҳаракатлари давомида қарздорга тегишли "Зирабулоқ" пахта заводининг банкдаги ҳисоб рақамига банд солиниб унга тегишли мол-мулкларни аниқлаш мақсадида мутасадди идораларга сўров юборилди. Натижада тўланмаган солиқлар тўлиқ ундирилди.

Икром ХАЙДАРОВ,
МИБ Нарпай тумани бўлими давлат ижрочиси

Девор орасидаги тармоқ

Мажбурий ижро бюроси Чуст тумани бўлими ўтказаётган назорат тадбирларида электр тармоғига ўғринча уланиш ҳолатлари фош этилмоқда.



Жумладан, "Варзигон" маҳалла фуқаролар йиғинидаги хонадонларнинг бирида ана шундай ноқонуний ҳолат ошкор бўлди. Аниқланишича, хонадон эгаси Толиб Ҳасанов ҳеч ким билмайди деб ўйлаганми, девор орасидан тортилган сим орқали электр тармоғига яширинча уланиб, фойдаланиб юраверган.

Кўза кунда эмас, кунида синиши бор гап. Истеъмолчининг бу қилмиши ошкор бўлиб, эл ичида юзи шувут бўлди. У электр тармоғидан ўғринча фойдаланиш орқали туман электр тармоқлари корхонасига 7 миллион 884 минг сўм зарар етказгани аниқланди.


Фуқаро МЖТКнинг 101-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этгани боис унга энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баробари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Бобирхон АБДУЛАЗИЗОВ,
МИБ Чуст тумани бўлими бошлиғи ўринбосари

Француз актёри Жерар Депардье иштирокида Ўзбекистон тўғрисида ҳужжатли фильм суратга олинмоқда. Суратга олиш ишлари Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз ва Нукус шаҳарларида бўлиб ўтмоқда.

НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

2019 йилнинг 15 ноябрь куни Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига партиялардан кўрсатилган номзодларни расман рўйхатга олди.



Рўйхатга олинган 750 номзоднинг барчаси олий маълумотли. Шундан 310 нафари ёки 41,3 фоизи хотин-қизлар. Бу 2014 йилнинг декабрида ўтган сайловдагидан қарийб 10 фоиз (31,8) кўп.


Номзодларнинг 6,9 фоизи ҳуқуқшунос, 19,1 фоизи иқтисодчи, 12,4 фоизи шифокор. Депутатлик мандати учун 22 нафар фан доктори ва 52 нафар фан номзоди кураш олиб боради.

Эътиборли жиҳати шуки, номзодлар орасида ёшлар анча кўпайган, яъни 25-40 ёшлар орасидагилар 32,2 фоиз.

TAHLIL

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ НИМА УЧУН КЕРАК?

Аҳоли ҳар қандай жамият ва давлатнинг асосий бойлигидир. Шу бойликни бутун мамлакат доирасида миқдор ва сифат жиҳатидан баҳолаб бориш замонавий давлат бошқарувининг ажралмас қисми сифатида юзага чиқмоқда.
Аҳоли ва унинг хусусиятлари туғилиш, ўлим, никоҳ, миграция жараёнлари натижасида доимий равишда ўзгариб туради. Шу сабабли аҳолини доимий равишда тадқиқ этиш талаб қилинади.



Аҳоли дастлаб қадимги Греция, Бобил, Месопотамия, Рим, Хитой, Япония ва Мисрда рўйхатга олинган. Аҳолидан солиқ йиғиш ҳамда ҳарбий мақсад учун ҳам шу ишлар қилинган. Эркакларнинг иқтисодий ўрни юқори бўлгани, солиқ тўлашда фақат эркаклар, яъни оила бошлиқлари қатнашгани боис асосан эркаклар рўйхатга олинган.

Аҳолини илк бор расмий рўйхатга олиш 1790 йилда АҚШда, 1800 йилда Швеция ва Финляндияда, 1801 йилда Англия, Дания, Норвегия ва Францияда ўтказилган. Аммо рўйхатга олиш жуда оддий шаклда бўлиб, узоқ муддатга чўзилган.

XIX асрдан бошлаб аҳолини рўйхатга олишнинг янгича усуллари қўллана бошлади. Европа мамлакатларида статистика ташкилотлари тузилди. Аҳолини рўйхатга олиш илмий дастурлар асосида олиб борилиши йўлга қўйилди. Хусусан, 1870-1879 йилларда 48 та, 1890 йилларда эса 57 та давлатда аҳоли рўйхатга олинган. XIX аср охирида дунё аҳолисининг 21 фоизи рўйхатга олинган бўлса, XX аср бошида 54 фоизи рўйхатдан ўтказилган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин аҳолини рўйхатга олиш тизими такомиллаштирилди. 1945-1954 йилларда 151 та давлатда, 1965-1974 йилларда 179 та давлатда аҳоли рўйхатга олинган. Ҳозирги пайтда деярли барча давлатларда аҳолини рўйхатга олиш ишлари олиб борилмоқда.

Аҳоли сони ва таркиби тўғрисидаги маълумотлар бюджетни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиб, мамлакат ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш параметрларини ишлаб чиқишда қўл келади.

Аҳолини рўйхатга олиш натижасида ҳукумат аҳолининг зичлиги тўғрисида маълумотга эга бўлади ва ўз сиёсатини шунга қараб юритади. Мисол учун, аҳолини рўйхатдан ўтказиш натижаларидан ижтимоий соҳа объектларини самарали жойлаштириш, керакли жойларда таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, уйлар, йўллар қуришда фойдаланилади. 2022 йили Ўзбекистонда ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш ҳам кўплаб ижтимоий, иқтисодий муаммоларни аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш имконини беради.

Дилшод РУСТАМОВ,
Яшнобод тумани статистика бўлими бошлиғи

КЕЛГУСИ СОНДА

Нархи қанча имзонинг, айтинг... Ёки яна пора ҳақида

HUQUQ
YURIDIK GAZETA
MUASSIS:
O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi
BOSH MUHARRIR:
Jahongir MAKSUMOV
TAHRIR HAY’ATI:
Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZAROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV
TAHRIRIYAT MANZILI:
Toshkent shahri, Yahyo G‘ulomov ko‘chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85
www.huquq.uz
info@huquq.uz
Tahririyatga kelgan qo‘lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallari ko`chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart.
[t] — tijorat materiali.
Buyurtma v-3918.
15 934 nusxada bosildi.
Qog‘oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: G`.ALIMOV
Sahifalovchi: S.BOBOJANOV
Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda
Nashr ko‘rsatkichi 231
Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko‘chasi, 30-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9
Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.
ISSN 2010-7617

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида «International Investment Forum Karakalpakstan» халқаро инвестиция форуми бўлиб ўтди.

МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!



Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Муқумжон Орзиқулов табаррук 70 ёшни қарши олмоқда.

У прокуратура органлари тизимидаги 37 йиллик фаолияти давомида турли лавозимларда, жумладан, Наманган вилояти Норин тумани прокурорининг ёрдамчиси, Уйчи тумани прокуратураси терговчиси, Косонсой туманлараро прокурорининг ёрдамчиси, Давлатобод тумани прокурори, вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғи, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, Уйчи тумани прокурори, Норин тумани прокурори, Наманган шаҳар прокуратурасида АМИБ терговчиси, катта терговчи лавозимларида самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Бугун сафимизга кириб келаётган ёш ходимлар уни тажрибасини сидқидилдан ўргатган мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайди.

Муқумжон Орзиқуловнинг узоқ йиллик меҳнати прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча марта рағбатлантирилди.

Ҳурматли Муқумжон Орзиқулов, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

Қонунийликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Маҳмасоат Жўраев табаррук 70 ёшни қарши олмоқда.



У прокуратура органлари тизимидаги қарийб 30 йиллик фаолияти давомида Урганч шаҳар прокуратурасида иш ўрганувчи, прокурор ёрдамчиси, Хоразм вилояти Боғот ва Янгиариқ туманларида прокурор ёрдамчиси, Қашқадарё вилояти Баҳористон тумани прокурорининг ёрдамчиси, Косон ва Яккабоғ туманларида терговчи, Қашқадарё вилояти прокурорининг ёрдамчиси, вилоят прокуратурасида катта терговчи, бўлим прокурори, Чироқчи, Яккабоғ туманлари прокурорининг ўринбосари, Шаҳрисабз тумани прокуратурасида катта терговчи, Қарши шаҳар прокурори ёрдамчиси, Яккабоғ ва Шаҳрисабз туманларида прокурор ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилди. Қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга катта ҳисса қўшди.

Самимийлик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари орасида ҳурмат қозонди.

Маҳмасоат Жўраевнинг узоқ йиллик меҳнати прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча марта рағбатлантирилди.

Ҳурматли Маҳмасоат Жўраев, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази

SPORT

ШУНЧА ЭЪТИБОР, ШУНЧА ҲАРАКАТ



натижа шунга яраша бўладими?

Миллий олимпия қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан йиғилиш ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Президенти маслаҳатчиси Абдужаббор Абдувоҳидов, МОҚ президенти Рустам Шоабдураҳмонов, Жисмоний тарбия ва спорт вазири Дилмурод Набиев, ЎФА раисининг биринчи ўринбосари Равшан Эрматов, улкан тажрибага эга футбол мутахассислари ва журналистлар иштирок этди.

Мазкур фармонда Ўзбекистонда футболни энг оммавий спорт турига айлантириш, иқтидорли ёш футболчиларни саралаб олиш ва профессионал спортчи сифатида тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, мамлакат футболини ривожланган мамлакатлар билан рақобат қила оладиган даражага етказиш, футбол клубларини ривожлантириш, мамлакатимизда футбол бўйича йирик халқаро мусобақаларни ўтказиш назарда тутилган. Фармон лойиҳаси муҳокама учун Ягона интерактив давлат хизматлари порталига қўйилди.

Фармон лойиҳаси футболни янги босқичга олиб чиқиш бўйича 18 та банд, шунингдек, Ўзбекистонда профессионал футболни ривожлантириш схемаси (4 йўналишда), 5 бобдан иборат Ўзбекистонда футболни 2030 йилгача янги босқичга олиб чиқиш концепцияси, 2019-2020 йилларда амалга ошириладиган "йўл харитаси", Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказиладиган профессионал футбол клублари устав фондидаги давлат улушлари ва хўжалик жамиятларининг улушлари рўйхати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар каби иловалардан ташкил топган.

Ёш боксчиларимиз Мўғулистон пойтахтида бокс бўйича ёшлар ўртасида ўтказилаётган Осиё чемпионатида 2 олтин, 5 кумуш ва 7 бронза медални қўлга киритди.

Боксчиларимиз барибир зўр-да

Вазни 75 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида ўтган жангларда истеъдодли спортчимиз Сухроб Қаюмов қозоғистонлик Бектошга қарши рингга чиқди ва 4:1 ҳисобида устун келиб, мусобақа ғолиби бўлди. 81 килограммгача бўлган вазнда ҳамюртимиз Шоҳжаҳон Абдуллаев финалда хитойлик Халимулати Рехемандуни 3:2 ҳисобида енгиб, Осиё чемпионига айланди.

Хуршид Расулжонов, Жавлонбек Йўлдошев, Нурислом Исмоилов, Амиршоҳ Самадов эса ўз вазн тоифасида терма жамоамизга кумуш медални келтирди.

Қизлар ўртасидаги жангларнинг финалида ягона боксчимиз Навбаҳор Ҳамидова (75 килограмм) ҳиндистонлик Санамача Чануга қарши баҳс олиб борди ва кумуш медалга сазовор бўлди.

Шунингдек, Осиё чемпионатида Мирзабек Мирзахалилов, Раҳматилло Тошпўлатов, Сайдинисо Муҳаммадалиева, Насиба Хайруллаева, Зиёда Ярашева, Дилфуза Бекова, Хадичабону Абдуллаева каби боксчиларимиз бронза медални қўлга киритди.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди


Португалияда қанча Роналду бор?

«Bleacher Report» нашри Португалияда Криштианудан кейин нечта Роналду туғилгани ҳақидаги маълумотни ошкор қилди.

Таъкидланишича, «Ювентус» ҳужумчисидан кейин 29 та чақалоққа Криштиану Роналду исми қўйилган. Уларнинг энг каттаси – Криштиану Роналду Морейра Соузаш. У 2003 йилнинг февралида, Роналду «Спортинг» сафида дебют қилганидан икки ой ўтиб туғилган.

Йигитчанинг отаси ўғлига нега Криштиану Роналду деб исм қўйганини айтди. У «Спортинг» мухлиси эмас, шунчаки 17 ёшли Роналдунинг ўйинлари ёқиб қолган.

Қолган Роналдулар 2004 йилда, Роналду 19 ёшида Португалия термаси етакчиларидан бирига айланаётган пайтда туғилишган.



Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Бухоро вилоят прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси Моҳира Султоновага синглиси

Мавлуда СУЛТОНОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги департамент жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази департамент фахрийси

Жаббор ҚОБИЛОВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қашқадарё вилояти прокуратураси жамоаси вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари Бахтиёр Раҳмоновга укаси

Исроилжон РАҲМОНОВнинг

вилоят прокуратураси АМИБ катта терговчиси Илҳомжон Эшевга укаси

Ғуломжон ЭШЕВнинг

ҳамда вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари Гўзал Фахриддиновага турмуш ўртоғи

Шерали ШУКУРОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпионати саралаши доирасида Фаластин термасини қабул қилди ва Элдор Шомуродовнинг дубли эвазига ғалаба қозониб, гуруҳда биринчи ўринга кўтарилиб олди.